

# ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ

*Эшқувватов Улуғбек Абдулло ўғли*

*Тошкент давлат техника университети*

*Термиз филиали “Транспорт иншоотлари ва автомобиль йўллари”*

*кафедраси ўқитувчиси*

*e-mail: [eshkuvvatov.ulugbek@mail.ru](mailto:eshkuvvatov.ulugbek@mail.ru)*

**Аннотация:** Мақолада олий таълим муассасалари талабаларининг муҳандислик касбига оид ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришининг дидактик талаблари ва шартларини бажариши орқали бўлажак муҳандисларда касбга йўналтирилганлик ижодий қобилиятни шакллантириш масаласи баён қилинган.

**Калим сўзлар:** талаба, таълим, тарбия, муҳандис, ижод, қобилият, дидактик, ўқув жараёни, қизиқиш, кўникма, малака, касб, самарадолик.

\*\*\*

**Резюме:** В статье рассматривается проблема формирования творческих способностей, направленных на профессию будущих инженеров, путем выполнения дидактических требований и условий для развития творческих способностей, связанных с инженерной профессией студентов высших учебных заведений.

**Ключевые слова:** Студент, образование, инженер, творчество, способности, дидактика, учебный процесс, интерес, навыки, квалификация, профессия, эффективность.

\*\*\*

**Summary:** The article describes the issue of formation of creative abilities directed to the profession of future engineers by fulfilling didactic requirements and conditions for the development of creative abilities related to engineering profession of students of higher educational institutions.

**Keywords:** Student, education, upbringing, engineer, creativity, ability, didactic, educational process, interest, skills, qualification, profession, efficiency.

Ривожланган давлат иқтисодиёти кўпчилик ҳолатларда истиқболли илмий-техник ғоялар келиши ва амалга тадбиқ тезкорлигига боғлиқ бўлади. Бунинг учун илмий-тадқиқот ижодкорлик иши натижадорлигини кескин ошириш лозим. Ишнинг муваффақияти кўпинча мутахассислар малакаси, уларнинг мураккаб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва ташкилий масалаларни ижодий ҳал қилиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Бундай мутахассисларни шакллантириш муаммоси асосан фундаментал, амалий тадқиқотлар ҳамда олий таълим тизими доираларида ҳал қилинади. Олий таълим тизимида илмга қизиқувчи талабаларни аниқлаш ва танлаш,

уларни тарбиялаш йўлга қўйилиши лозим. Шу сабабли олий таълим муассасаларида ўқитишнинг дидактик асосларини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлади.

Ижодий фикрлаш қобилиятига эга талабаларни тарбиялашни уларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш, натижаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Талабаларни мутахассислик- ижодий йўналтириш уларни услубият асоси ва илмий ижодкорлик тажрибасини ўргатиш орқали бажарилади.

Шу сабабли олий таълим муассасаларида талабаларда илмга йўналтирилганлик ижодий қобилиятни шакллантириш орқали амалга оширишни ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

Турли муаллифлар томонидан эълон қилинган касбий компетенция муаммолари тўғрисидаги илмий мақолаларда ижодий изланиш энг асосий сифатлардан бири эканлиги қайд этилади. Мазкур тадқиқотимизда мутахассиснинг касбий компетенциясида ижодкорлик масаласига алоҳида урғу берилган бўлиб, у мутахассисда касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантиришни назарда тутди.

Ижодкорлик ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало ижодкорликнинг моҳиятини мукамал таҳлил қилиб олиш зарур. Ижодкорлик моҳиятини ўрганиш, айтиш жоиз бўлса, ўта мураккаб масала саналади, чунки унинг зиммасига инсон ва табиатни ўрганишнинг муҳим методологик масалаларини ечишдек вазифа қўйилади. Ижодкорликни ривожлантириш манбалари, биологик ва ижтимоий, объектив ва субъектив, индивидуал ва жамоа ўртасидаги ўзаро мутаносибликни бу жараёнлар ўз ичига қамраб олади.

Ш.С.Шарипов ихтирочиликни «тегишли идоралар томонидан патентлар билан тасдиқланадиган янги техник ечимни ишлаб чиқишга йўналтирилган ижодий фаолият тури, ихтирочилик ижодкорлиги эса бу жараённинг шахсдаги зеҳнлилик, топқирлик, мустақил ва танқидий фикрлаш каби

ижодкорлик сифатлари билан боғлиқ умумий тавсифи», деб таърифлаган» [17].

Г.Гегел дунё ижодий фаолият умумий схемасини “мутлоқ ғоя” деб атаб, биринчи марта турли фаолият асосини ривожланиш асосига карама –қарши эканлигини кўрсатган эди.

Ижодкорликнинг асосий кирралари В.С.Библер, Ж.Брунера, А.В.Брушлинской, Л.С.Выготский, И.Я.Гальперин, И.П.Гильфорд, В.В.Давыдов, Г. Кляус, Ю.Н.Кулюткин, А.Н.Леонтьев, А.М.Матюшкин, Ж.Пиаже, Я.А.Пономарев, К.Поппер, С.Л.Рубинштейн каби машхур файласуфларнинг асарларида келтирилган.

О.В.Афанасьев ва В.В.Зотовларнинг асарларида ижодкорлик мураккаб, кўп киррали, ижтимоий-маънавий ходиса сифатида кўрилган. М.С. Каган, Б.М. Кедров, В.Ф.Овчинников ва бошқалар асарларида ижодкорлик, унинг тузилиши, ва шахс ривожланишида ижодкорлик таъсири ўрганилган [18].

М.Г.Ярошевский ижодкорлик – янгилик яратишдир деб таъкидлаб ўтган эди. Уни шундай тушуниш керакки, бунда субъектнинг тасаввурлари янгиланади ва ҳуққ атвори, у яратган ва инъом этаётган маҳсулотлари ҳам яхшиланади»[13]. Ўхшаш таъриф ва белгиларни у ёки бу шаклда бошқа кўплаб ижодкорлар фаолиятларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, С.Л.Рубинштейннинг таъкидлашича, ижодкорлик қандайдир янгилик яратувчи фаолиятдир. Янгилик олиб кириш ижодкор юксалишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, фан ва маданият тараққиёти тарихида ҳам ўз изини қолдиради [12].

Ижодкорлик «қайта шакллантириш» – мавжуд шакл унсурлари ёрдамида янги шакл яратиш демакдир. «Қайта шакллантириш» ижодкорлиги ўз ичига олдиндан маълум бўлган шаклга ўхшаган янги шаклни кашф этишдир. Ижодкорлик «бир шаклдан иккинчи шаклга ўтказиш» – бу жараёнда қоидаларнинг янги қолипи, чизмаси, маълум тузилмаларнинг янги тури юзага келади. Янги яратилган шакллар эски шаклларнинг янгича талқини бўлмайди. Ижодкор шахс қоидалар яратилиши биланок, уларга суянган

холда, янги қоидлар яратиш устида иш бошлайди. Ундан сўнг фаолият шакллари очиш, олдин ҳеч қачон қўлланилмаган шакллари кашф этиш учун бош қотиради.

Бўлажак мутахассиснинг касбий-педагогик ижодкорлиги ривожланиши ҳақида фикр билдирар эканмиз, бу борада М.Г.Ярошевский томонидан берилган хулосалар диққатга сазоворлигини айтиш жоиз. Олимнинг фикрича ижодкорлик жараёнига тизимли муносабат уч жиҳатли таркиб ва уларнинг ўзаро узвийлигида ўрганишни тақозо этади. Улар нарса ва ҳодисалар, ижтимоий ва шахсга тааллуқлилиқ таркиблардан иборатдир: нарса ва ҳодисалар таркиби - эвристика, нарсанинг янги образини яратувчи рухий «мато», сўнгра у илмий матнга айланади ва янги ғоялар, назариялар ва кашфиётлар сифатида юзага чиқади. Бу эвристикалар: аналоглар, метафоралар, қиёслаш, моделлардан иборат бўлиб, одатда фикрлаш мазмунини ташкил этади ва визуал шакл га эга бўлади; ижтимоий таркиб - бундай ижодкорлик когнитив-диалогик «дастлабки фаоллиги» сифатида кўзга ташланади. Шундай қилиб, оппонентлар, муқобилликлар ҳам ижодий жараёнларнинг авж олишига туртки беради; шахсга оид таркиб - шахсий интилиш, ички мақсадли истак ва ижод субъектининг хусусий сифатларидан иборат бўлиб, ижодий жараёнларни узлуксиз ташкил этишда юзага чиқадиган янги белгилар, ўзгаришлардан иборат» [13].

Педагогикада ижодкорлик назариясининг асосларини ишлаб чиқиш, фаолият турларида ижодкорлик жараёнларининг қонуниятларини тадқиқ қилишда психология фани беқиёс аҳамият касб этади. Жумладан, Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, Б.М.Теплов каби психолог олимларнинг ишларида ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш ва ижодий фикрлаш муаммолари чуқур тадқиқ қилинган» [2]. Инсоннинг ижодкорлик қобилияти шахс сифати ҳисобланиб, психолог олимларнинг фикрига кўра у тўртта гуруҳга ажратилади:

– интеллектуал сифатлар: дунёқараш, эрудиция, фикрлашнинг ижодий хусусиятлари (чуқурлиги, кенглиги, танқидийлиги ҳажмлилиги, номантиқий фикрлай олиш);

– маҳсуллик сифатлари: эгалланган билимлар ҳамда методларни синтезлай олиш кўникмаси, тадқиқотларни амалга ошириш методологиясини эгалланганлик;

– иродавийлик сифатлари: ўз фаолиятини режалаштириш ва шароитга мослаштириб бориш, ўз-ўзини назорат қила олиш, ғояларни ривожлантириб, аниқ натижага етказа олиш;

– ҳиссий-ижодий сифатлар: интуиция, тасаввур, фантазия»[16].

Биринчи сифат И.Я.Лернернинг нуқтаи назарига боғлиқ. Унга кўра, ижод билан шуғулланувчи кишиларнинг фазилатлари чегарасини ўлчаб бўлмайди, улар ҳақида фикр айтиш учун ана шу фаолият табиатини англамай, унга монанд хислатларни билмай, аниқроғи, унинг ижодий фаолият жараёнларини ўрганмай туриб гап юритиш мумкин эмас [7]. Шу муносабат билан тадқиқотчи ижодий фаолиятнинг процессуал чегараларини ажратиб кўрсатади:

– мустақил равишда узоқ ва яқин, ички ва ташқи билимлар тизими ва маҳоратни янги вазиятга кўчиради;

– анъанавий вазиятларда янги муаммоларни ҳис этади;

– объект анъанавий функцияси ўрнига янгисини тасаввур қилади;

– масалаларни ечишда муқобил ечимларни ҳам ҳисобга олади;

– янги муаммоларни ҳал этишда фаолиятнинг олдиндан маълум бўлган усуллари ва йўллари қайта ишлайди;

– принципиал янги йўллар топиш ниятида эскириб қолган йўллардан воз кечади.

Инсон омилини фаоллаштирувчи самарадор заҳиралардан бири жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, ишлаб чиқаришда, техникада, фанда, таълим ва бошқарувда ижодкорликни ривожлантириш ҳисобланади. Шу

боис ижодий муаммоларни жамоа бўлиб ечиш шароитлари ва ташкил этиш шакллари, муаммолари кун тартибидаги долзарб масалалардир.

Юқорида келтирилган белгиларга ажратиш ва баҳолаш жадвалини ҳар бир талаба кесимида ўрганиб оламиз. Ушбу вазифани бажаришда факультет, кафедра ва тьюторлар ҳамкорликда ишлаши лозим.

Олинган статистик маълумотлар таҳлил қилинади ва талабанинг ижодкорлик доираси аниқланиб, керакли йўналиш бўйича илмий раҳбар белгиланади.

Илмий раҳбар талабага ривожлантириш режасини тузишга ёрдам беради ва уни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилади.

Талабанинг ижодкорлик доираси аниқланиб ривожлантириш режаси асосида фаолияти йўналтирилади.

Биринчи курс талабасини илмий тадқиқотларга жалб қилишни кўриб чиқайлик. Юқорида келтирилган белгилар ва баҳолаш тизими орқали талабанинг кучли ва заиф томонлари аниқлаб олинади. Бажариладиган ишлар кетма-кетлигини “зинапоя” усулида кўриб чиқайлик (1-расм).



**1-расм. Талабани ижодкорлик қобилиятини аниқлашнинг белгилар ва белгиларнинг баҳоланишинини “зинапоя” усулида тасвирланиши**

Албатта юқорида келтирилган фикрларни амалга оширишда талабанинг қизиқишини эътиборга олиш, унинг ижодкорлик доирасидан чиқиб кетмаслик муҳим ўрин тутди. Чунки талабага унинг имкониятидан ортиқ вазифани бериш ёки ғояларини ҳисобга олмаслик унда креатив фикрлаш қобилиятининг “бўғилиши”га ва шаблон асосида фикрлайдиган бўлиб қолишига сабаб бўлади. Талабанинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга илмий ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Библер В.С. Нравственность. Культура. Современность / ВС Библер. М.: Мысль.- 1990, С.79
2. Выготского, Л. С., Гальперина, И. Я., Гильфорда, И. П., Давыдова, В. В., Кляуса, Г., Крутецкого, В. А., ... & Пиаже, Ж. ФОРМИРОВАНИЕ ТВОРЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ СРС СРЕДСТВАМИ ИКТ. .- 1990, С.65
3. Каган, М. С. Формирование личности как синергетический процесс. *Синергетическая парадигма. Человек и общество в условиях нестабильности.* М.: Прогресс-Традиция, - (2003). С.341-357.
4. Кедров, Б. М. О творчестве в науке и технике. М.: Молодая гвардия, - (1987). С.191.
5. Лейтес Н.С. Ранние проявления одаренности. *Вопросы психологии,* - (1988). С. 98.
6. Леонтьев, А. Н. *Деятельность. Сознание. Личность.* Политиздат. - (1977). С.41
7. Лернер, И. Я. Дидактические основы методов обучения. М.: педагогика, - (1981). С.185.
8. Маматқулов, А. Н. Касбий таълимда талабалар ижодкорлигини ривожлантириш. *Современное образование (Узбекистан),* - (2019). С.(12 (85).